Ўзбекнефтгаз” АЖнинг товарларни (ишлар, хизмат) сотиб олиш бўйича Низомига №1 илова

**“Тасдиқлайман”**
**Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси директори**
**_____________ Х.Р.Назиров**
**“__09__” __02_________2022 й.**

# Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасида ишловчи ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ТАЛАБНОМА

**№ 145/27** **“09” 02 2022 й.**

| **1.** Талабнома берувчи | **Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси** |
|---|---|
| 2. Сотиб олиш мақсади | Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли объектларда тиббий хизматларни амалга ошириш, бошқармада фаолият олиб бораётган ходимларни соғлигини мухофаза қилиш ҳамда жароҳатланишлар ва касб касалликларини олдини олиш. |
| | **Хизмат турлари** |
| | *Ишлаб чиқаришдаги содир бўлиши мумкин бўлган жароҳатланишлар, касб касалликлари ва газдан заҳарланишларни олдини олишга ва бошқармада фаолият олиб бораётган ходимларни соғлигини таъминлашга қаратилган талаблар.* |
| | *Ходимларга тиббий хизматларни хамда жойларда зарурий дори-дармонлар билан таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш.* |
| 3. Сотиб олиш учун асос | Тасдиқланган техник топшириқга асосан (*техник топшириқлар илова қилинади*) |
| 4. Сотиб олишни режалаштирувини тасдиқлаш ва бюджетнинг мавжудлиги | “Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг ўз маблағидан. |
| 5. Сотиб олиш учун шартнома тузиш бўйича режалаштирилган сана | 08.02.2022й. – 28.02.2022й. |

**ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:**
С ва ЭХ, СМҚ ва МХ бўлими
СМҚ ва МХ етакчи муҳандиси Ғ.Б.Юсупов

**КЕЛИШИЛДИ:**
Бош муҳандис Ғ.Ё.Темиров

С ва ЭХ, СМҚ ва МХ бўлими бошлиғи С.Н.Умиров

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси директори
________ Х.Р.назиров
“___” _________ 2022 й.

**Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасида ишловчи ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича**
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

## 1. Умумий маълумот

Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли объектларда тиббий хизматларни амалга ошириш, бошқармада фаолият олиб бораётган ходимларни соғлигини мухофаза қилиш ҳамда жароҳатланишлар ва касб касалликларини олдини олиш.

## 1.2. Тиббий хизмат кўрсатишга асос ва мақсадлар

Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1996 йилдаги АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАги **N 265-I қонуни**
ва 2021 йил учун бошқарма раҳбарияти томонидан тасдиқланган бошқарма объектларида ходимларнинг соғлигини мухофаза қилиш, иш жойларида жароҳатланишлар ва касб касалликларини олдини олишга қаратилган талабномага асосан.

## 1.3. Хизмат турлари бўйича маълумот

**1.3.1. Ишлаб чиқаришдаги содир бўлиши мумкин бўлган жароҳатланишлар, касб касалликлари ва газдан заҳарланишларни олдини олишга ва бошқармада фаолият олиб бораётган ходимларни соғлигини таъминлашга қаратилган талаблар**:

- бошқарма бўйича фаолият олиб бораётган барча ходимларнинг соғлигини сақлаш ва тасодифан жароҳатланганда ёки кутилмаганда соғлиги ёмонлашган ҳолатда бу ходимларга ўз вақтида сифатли биринчи тиббий ёрдам ва тиббий хизматлар кўрсатиш;
- бошқармага қарашли ҳар хил узоқликдаги масофаларда жойлашган объектларга тиббиёт пункти ташкил қилиниши ва ўрнатилган тартибда тегишли тиббиёт ходимларни ажратиб сутка давомида бириктириш.

| Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли объектларнинг Газли шаҳри ва Газли газни қайта ишлаш заводидан қанча масофада жойлашганлиги тўғрисидаги МАЪЛУМОТ | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Объект номи** | **Газли газни қайта ишлаш заводи (км )** | **Газли шахридан масофаси (км)** |
| **“Кулбешкак” 1-сонли цех** | | | |
| **1** | “Гарби” кони | 17 | 66 |
| **2** | “Кулбешкак” кони катта участка | 21 | 71 |
| **3** | “Кулбешкак” кони кичик участка | 30 | 80 |
| **4** | “Калтақир”-“Тошқудуқ” конлари | 62 | 10 |
| **“Даяхотин” 2-сонли цех** | | | |
| **5** | “Кулбешкак” ГКТҚ | 35 | 85 |
| **6** | “Дояхотин” кони | 55 | 102 |
| **7** | “Саватли” ГБТҚ | 65 | 112 |
| **8** | “Миркомилқудуқ” кони | 57 | 104 |
| **“Қумли” 3-сонли цех** | | | |
| **9** | “Қумли” ГБТҚ | 69 | 70 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **10** | “Тайлоқ” кони | 74 | 85 |
| **“Тўмарис” 4-сонли цех** | | | |
| **11** | “Янгиказган” ГБТҚ | 110 | 82 |
| **12** | “Ёрқин” кони | 120 | 97 |
| **13** | “Тўмарис” ГБТҚ | 180 | 152 |
| **“Хожиқазган” 5-сонли цех** | | | |
| | “Ҳожиказган” кони | 50 | 97 |
| | “Ҳаққул” кони | 57 | 108 |
| | “Чаккақум” кони | | |
| **“Учқир” 6-сонли цех** | | | |
| | “Учқир” кони 14-15-горизонт (СП-2) | 10 | 41 |
| | “Андакли” кони | 36 | 91 |
| | “Ўртақум” ГБТҚ | 25 | 80 |
| **Газли газни қайта ишлаш заводи** | | | |
| **14** | “Учқир” ГОТҚ | - | 55 |
| **15** | “Учқир” сиқув компрессор стансияси | | |
| **16** | “Учқир” ГПБААОҚ (УППБС) | | |
| **17** | “Учқир” ГЦЁТҚ (УСОГ) | | |
| **18** | “Гарби” ККҚ (МКУ) | | |
| **19** | Суюлтирилган газ омбори (ССГ) | | |
| **20** | Кимё тахлилхонаси | | |

**Бошқарманинг узоқ масофада жойлашган объектларда фаолият юритувчи ходимлар сони**

| | |
|---|---|
| **Газли газни қайта ишлаш заводида** | 654 нафар |
| **“Кулбешкак” 1-сонли цехда** | 44 нафар |
| **“Дояхотин” 2-сонли цехда** | 79 нафар |
| **“Қумли” 3-сонли цехда** | 59 нафар |
| **“Тўмарис” 4-сонли цехда** | 49 нафар |
| **“Хожиқазган” 5-сонли цехда** | 48 нафар |
| **“Учқир” 6-сонли цехда** | 56 нафар |
| **Автотранспорт цехи** | 126 нафар |
| **Жами:** | **1117 нафар** |

- ҳар бир ҳудудларда фаолият кўрсатиб келаётган ходимларнинг саломатлигини доимий назоратга олиш ва тиббий хизматлар кўрсатиш.

- иш вақтида жиддий жароҳатланишлар, касалланиш ва х.к.вужудга келган ҳолда, қисқа вақт ичида касалхонага етказиш ва зарурий тиббий хизматлари кўрсатилиши заруриятида Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси жойлашган ҳудудга энг яқин масофада жойлашган касалхона томонидан тиббий хизматлар амалга оширилиши.

**1.3.2. Ходимларга тиббий хизматларни хамда жойларда зарурий дори-дармонлар билан таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш:**

- ходимларга биринчи тез ёрдам кўрсатиш учун сифатли дори-дармонлар ҳамда перевязка материаллари билан узлуксиз равишда ва етарли даражада таъминлаш.

**1.3.3.** Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги қонуни ва Фуқаролик Кодексига асосан тиббий хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажариш.

**2. Тиббий хизмат кўрсатиш маҳсус шартлари**

2.1. Саломатлик ва соғломлаштириш чора-тадбирларини олиб бориш:

- кескин касалликларда ва жароҳатланишларда ходимларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, шаройитлар мавжудлигида шифокорлик хизматларни амалга ошириш;

- шифокорнинг кўрсатмасига кўра амбулатор даволаш;

- эпидемиологик кўрсатмаларда профилактик эмлаш ишларини амалга ошириш;

- сурункали касаллиги мавжуд ёки тез-тез касалланадиган ходимларни диспансерлик кузатиш;

- беморларга малакали шифокор-мутахассислар (кардиолог, невропотолог ва бошқалар) консультациясини ташкил қилиш;

- санитарлик дам олиш ва даволаниш масканларига юбориш учун бемор ходимларни ташхисини инобатга олган ҳолда танлаш.

3.2. Хизмат кўрсатилаётган контингентнинг касалланиш ҳолатлари бўйича таҳлил ўтказиш ва алоҳида нозологиялар бўйича касалланишларни камайттириш юзасидан дастур тузиш.

3.3. Санитар кузатув ўтказиш:

- ишчиларнинг овқатланиш, ишлаб чиқариш базаларида ва яшаш уйларида санитар-гигиеник меъёрлар ва қоидаларга амал қилиш;

- Давлат санитария эпидемиология назорати ходимлари билан биргаликда ишчиларнинг ҳамда вахта усулида ишловчи ходимларнинг овқатланиш ҳолатларини ўрганиш.

## 4. Хизмат кўрсатиш ва амал қилиш муддатлар кафолатига қўйилган талаблар

Барча амалга ошириладиган тиббий хизматлар мазкур техник шартнинг талабларига ва тузиладиган шартномага мувофиқ кўрсатилиши лозим.

Амал қилиш муддати: 08.02.2022 й.- 31.12.2022й.

**Ишлаб чиқди:**
С ва ЭХ, СМҚ ва МХ бўлими
СМҚ ва МХ етакчи муҳандиси — Ғ.Б.Юсупов

**Келишилди:**
С ва ЭХ, СМҚ ва МХ бўлими
бошлиғи — С.Н.Умиров